



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Музокаралар аввалида Ҳукумат Раиси ўринбосари Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президентининг Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташрифи якунида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда икки томонлама товар айирбошлаш ҳамжи ўтган йил якунларига кўра 6,6 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, таълим ва тиббиёт форумларининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Ўзаро савдонинг ўсиш суръатларини давом эттириш, кооперация лойиҳаларини, шу жумладан, жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида учинчи бор ўтказиладиган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси негизда янада илгари суриш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ҲУДУДЛАРДАГИ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНияТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, паст қувватда ишлаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил январда макроиқтисодий барқарорлик таҳлили бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Унга мувофиқ, ҳудудларда ишга солинмаган қўшимча имкониятлар, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифлари ўрганилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятидаги Миришкор каналига қўшимча насос ва лотоклар ўрнатиш орқали Қарши туманида 600 гектар ерни ўзлаштириш мумкин. Бу кастор ловияси етиштириб, унинг мойини ишлаб чиқариш, 1 минг 400 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Айрим саноат зоналарида инфратузилма қувватини яхшилаш зарур. Шу мақсадда жорий йилда бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Бунинг натижасида мазкур зоналарнинг жозибадорлиги ошиб, корхоналар фаолияти кенгайди ва иш ўринлари кўпайди.

Саноат корхоналарига яқин бўш майдонларда қуёш панеллари ўрнатиб,

уларга қўшимча энергия етказиб бериш ҳамда тизимдаги юкларни енгиллатиш имконияти бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари билан тақдим этилган солиқ ва боғжона имтиёзлари корхоналар фаолиятига ижобий таъсир қилган. Масалан, текстиль учун бўёқ импортида боғжона имтиёзи қўлланилгани ҳисоби-га трикотаж мато, кўйлак, костюм-шим таннархи арзонлашган. Тақдимотда ушбу имтиёзлар муддатини узайтириш орқали эришилган натижаларни мустаҳкамлаш мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Мутасаддиларга барча 208 та туман ва шаҳарнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган лойиҳалар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШГА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ҳамда келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.

Маълумки, жорий йилнинг 12-17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қоллишга доир конвенцияси Томонлар конференциясининг 14-йиғилиши (COP-14) бўлиб ўтди. Унда 130 дан ортиқ давлатдан 2 мингга яқин иштирокчи қатнашди.

Тадбир якунлари бўйича Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан ижрога қаратилиши учун 2024-2032 йилларга мўлжалланган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турлари бўйича Самарқанд стратегик режаси тасдиқланди. Экологик богликлик бўйича глобал ҳамкорлик (GPEC) ташаббуси ишга туширилди.

Ўзбекистон БМТ конвенциясига 2024-2026 йиллар учун президент сифатида сайланди. Тошкент шаҳрида Халқаро табиатини муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN)нинг Марказий Осиёдаги илк ваколатхонаси очилди. Шунингдек, БМТ Атроф-муҳит дастурининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиб бўйича келишувга эришилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда Марказий Осиёда 6 та трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини барпо этишга қаратилган лойиҳани амалга оширишга келишилди. Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар ўртада қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириб, Ўзбекистоннинг ҳаракатлар режасини ва янги грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш, халқаро экология ташкилотлари ва конвенция бош қароргоҳида соҳа ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Халқаро тараққиёт уюشمаси иштирокидаги ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 205 миллион доллардан зиёд бўлиб, 6 йил давомида амалга оширилади. Бу маблаг ўрмонлар ҳудудини кенгайтириш, ўрмон ҳўжалликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барқарор бошқарувни жорий этиш, экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилади.

Хусусан, ўрмонларни тиклаш ва муҳофаза қилишда инновацион бошқарув тизими ҳамда ахборот технологиялари жорий қилинади. Деградацияга учраган ўрмон ерлари тикланади. Чегарадош ҳудудлардаги ландшафтни тиклаш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ривожлантирилади.

Буларнинг натижасида, жумладан, 175 минг гектар ўрмонлар ва 38 минг гектар яйловларни қайта тиклаш, 19 минг

гектарда агроўрмон ва 5 минг гектарда саноатбоп ўрмонлар барпо этиш, 63 километр эко йўлаклар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича фармон ижроси доирасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Юртимизда йилга ўртача 6,8 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Сўнгги йилларда санитар тозалаш хизмати билан қамраб олинган маҳаллалар сон 90 фоиздан ошди. Лекин чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Ҳозирда бундай корхоналар 313 та ҳоло.

Президент фармонида бундай фаолиятни янада рағбатлантириш чоралари белгиланган. Жумладан, 2024 йил 1 июндан бошлаб маиший чиқиндилар таркибидagi иккиламчи хомашёни реализация қилиш фақат биржа орқали амалга оширилади. Чиқиндиларни “қайта ишланмайдиган”, “қайта ишланмайдиган” ва “озик-овқат” тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади. Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида хусусий шериклик ривожлантирилади.

Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганилик учун жарима миқдорини ошириш, чиқинди ташлаб кетилган жойини тозалаш ва олиб чиқиш кетий мажбуриятини белгиллаш чоралари қуцайтирилмоқда.

Шунингдек, тақдимотда маиший чиқинди полигонларини оптимизация қилиш, чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, чиқинди полигонларини инвестициялар киритишга жозибадор қилиш учун уларнинг буфер ҳудудларига махсус иқтисодий зоналар режимини жорий этиш, чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ҳамда органик усулда ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилади. Ушбу янги тизим бўйича биринчи пилот лойиҳа Андижон вилоятида амалга оширилади.

Жумладан, Андижон туманида 13 миллион доллар инвестиция эвазига органик чиқиндидан 100 минг тонна ўғит, Асакада чиқиндидан йилга 2 миллион киловатт соат электр ишлаб чиқарадиган лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Келгусида ушбу Андижон тажрибаси юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИНИ ҲАМДА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифаларни қон тартибига қўймоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг

норма ижодкорлиги фаолиятининг изоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш бўйича мақсадага эришиш, шунингдек, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролин янада ошириш, шу жумладан, улардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ва ҳаволаки нормаларини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида:

1. 2017-2023 йилларда қабул қилинган 135 та яхлит қонунда жами 543 та ҳаволаки норма мавжудлиги, шундан 23 та қонундаги 41 та ҳаволаки нормани амалга ошириш бўйича қонуности ҳужжатлари қабул қилинмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг улушини изчил ошириб бориш ҳамда қонунлардаги ҳаволаки нормалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қуйидаги тартиб-таомилларни жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БУЮК ТУРКМАН ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туркман халқининг улуг фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккирдир.

Ҳассос сўз санъаткорининг чуқур гуманизм билан суғорилган асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олижаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳамиша халқ билан

ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган мазмун-моҳияти билан барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун ибрат намунасидир.

Бу йил нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО раҳнамолигида Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллик қутлуг юбилей санаси дунё миқёсида кенг нишонланаётгани ҳам шоир адабий мероси

жаҳон сўз санъатининг бебаҳо хазинасига айланиб, инсониятнинг маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилиб келаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши, албатта бежиз эмас. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар

қилиб бормаган бирор-бир хонадон, унинг номини билмайдиган бирор-бир ўзбек топилайди. Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъноси, халқона руҳи, юксак бадиияти билан бахши ва роҳизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади.

► Давоми 2-бетда



ОТАЛАР БОЛАМ ДЕБ
ЁНИБ ЎТГАНЛАР...

2



ЎҚУВЧИ
СУМКАСИ

ОҒИРЛИГИ БОЛА ВАЗНИГА
МУТАНОСИБМИ?

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИНИ ҲАМДА НОРМА
ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қонун лойиҳасидаги ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ мuddатлари ва масъул ижрочиларини лойиҳанинг ўзида мажбурий тартибда белгилаш;

тегишли соҳани тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу соҳадаги қонун-ости ҳужжатлари билан тартибга солинган муносабатларни қонун даражасига кўтариш имкониятини муҳокама қилиш шартлигини белгилаш ва бу ҳақда қонун лойиҳасининг тушунтириши хатида кўрсатиш;

қонун кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари томонидан қонуннинг самарадорлигини, мақсади ва қўтилган натижаларига эришилганлигини аниқлаш учун унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этиш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари, илмий ҳамжамият вакиллари иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик муҳокамаси тизимини такомиллаштириш ҳамда норма ижодкорлиги жараёнининг халқчил бўлишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

янгича тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида тўплаган ижобий таъриба асосида энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда олдин уларнинг тайёрланиши ҳақидаги ахборот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилади ҳамда дастлаб жамоатчиликнинг таълиф ва тавсиялари олиниб, улар асосида тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилади;

Дилдаги гаплар

ОТАЛАР БОЛАМ ДЕБ ЁНИБ ЎТГАНЛАР...

Ҳар бир инсон ўзининг дунёга келишига сабабчи бўлган улуг зот, оиладек муқаддас кўрғоннинг бақувват устун бўлган отаси билан фахрланишни, унга муносиб ворис бўлишни истайди. Яратганга шукрки, эл ардоқлаган инсоннинг фарзанди бўлиш, йўлидан бориш бизга насиб этди. Тўғри, отамизнинг бошидан кўп оғир синовлар ўтди, уларнинг ортидан хасталанди. Бироқ сабрнинг тағи сара олтин деганларидек, оғир кунларнинг, чекилган дардларнинг мукофотини кўрди отамиз.



Шоҳ Жаҳон Жўраев

Андижондаги йиғилишда айтганимдек, Шерали Жўраев 25 йилга яқин таъқиқда яшайди. Катта саҳналарга, давлат тадбирларига қақирилмай, яккахон концерт қўйиши, телевидение, радиода чиқишига тўсқинликлар бўлиб, шунча йиллик умри зое кетди. Тарих учун қисқа бу мuddатда бир йилгит тугилиб, навқирон ёшга етади. Чорак аср саҳнани соғиниб яшашнинг ўзи бўлмайди. Чиндан ҳам биз ақлимизни танганимиздан буён ҳар йили Мустақиллик байрамини томоша қилаётиб, отамиз чиқармикан, “Ўзбегим”ни айтармикан, деб кутардик. Отам айтганидек, Яратган дориламон кунларга ҳам етказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Агар адолатсизлик бўлмаганида, бугун Шерали Жўраев ёнимизда бўларди”, деган гапининг ўзи отамизга берилган энг юксак баҳо бўлди.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни кучини йўқотган деб топиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилганда, унинг асосида қабул қилинган қўйи туровчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиб, уларни ҳам ўз кучини йўқотган деб топиш масаласи кўриб чиқилад.

5. Масъул вазирилик ва идоралар ушбу қарорга иловага мувофиқ тасдиқланаётган чора-тадбирлар режасида белгиланган мuddатларда қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, миллий ва халқаро таърибани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш якунлари бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг пухта ишлаб чиқишли, келишилши ҳамда қабул қилиниши ёки ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

6. Адлия вазирлиги:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши устидан мониторинг олиб борсин; чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

жамоатчилик муҳокамасига чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича аҳолининг таълиф ва эътирозларига ишлаб чиқувчи томонидан муносабат билдириши устидан таъсирчан назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши тўғрисидаги конституциявий нормалардан

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 19 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини баҳолашни алоҳида мезон сифатида белгиласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ушбу қарор талабларига риоя этилишини таъминласин;

уч ой мuddатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик таълиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқиш бўйича вазирилик ва идоралар учун услубий тавсияларни тасдиқласин;

уч ой мuddатда қонунларнинг амалиётда аниқ ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқни қўловчиларга ва аҳолига тушунтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таълифлар киритсин.

7. Масъул вазирилик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар режасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши, экспертиза қилиниши ва келишилши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонунларнинг ҳаволаки нормалари амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Бошланиши 1-бетда

Махтумқулнинг ўз даврида Хивадаги машҳур Шерғозиҳон мадрасасида тахсил олгани, Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткорини ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги чинакам дўстликнинг ажойиб намунасиридир. Махтумқули Хивада жуда кўп устоз ва маслакдошлар, дўст-ёр ва мухлислар орттирган, бу ерда кечирган йилларини миннатдорлик билан эслаб, гўзал шеърлар битганини ўзбек китобхонлари яхши билади.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фирогийнинг ўлмас бадийий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки қардош эл учун бирдек ардоқли бўлган шоирнинг баркамол асарлари мамлакатимизда мунтазам равишда, йирик ададларда нашр этилмоқда. Тошкент ва Хива шаҳарларида шоир хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари табарруқ зиёратгоҳларга айланган.

Ўзбек халқининг Махтумқули Фирогий сиймосида қардош Туркманистон халқига, унинг бой тарихи ва маданияти, урф-одат ва қадриятларига ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин намунаси сифатида ҳамда шоир таваллудининг 300 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактаб-гача ва мактаб таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадийий академия, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

БУЮК ТУРКМАН ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ
МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ
300 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

қўмитаси ҳамда жамоатчилик вакиллари буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таълифлари маъқуллансин.

2. Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) икки ҳафта мuddатда Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Чора-тадбирлар дастурида: Махтумқули Фирогийнинг “Танланган асарлар”и ҳамда унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган илмий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

давлат буюртмаси асосида Ўзбекистон ва Туркманистон кино усталари ҳамкорлигида Махтумқули Фирогийга бағишланган бадийий фильм яратиш; шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида спектакль саҳналаштириш; ёш хонандалар ўртасида “Махтумқули шеърлари билан айтиладиган энг яхши қўшиқлар ижроси” республика тайловини ўтказиш;

Бадийий академиянинг марказий кўргазмалар залида ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик ва қардошлик алоқаларини тараннум этувчи тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 19 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Иордания, Индонезия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Марокаш, Мавритания, Нигерия, Гвинея, Ливан, Малайзия, Чад каби давлатлардан 16 нафар нуфузли мусулмон олимлари аъзо саналади.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари мусулмон оламида тинчликни тарғиб қилиш, низоларни биргаликда ҳал этиш ва бағрикенгликни таъминлашдан иборат. Шунингдек, илм ва олимларни қадрлайдиган, ўзаро мулоқотни мустаҳкамлайдиган, бағрикенглик ҳамда бошқаларга ҳурматни қўллаб-қувватлайдиган фаровон жамият барпо этишдир.

Йиғилишда бугунги мураккаб даврда дунё халқларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, тарафқашликка барҳам бериш, жамиятда тинч-тотув яшаш ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда исломофобияга мурасасиз бўлиш каби жиҳатлар ҳам муҳокама қилинди.

Манфаатли мулоқотлар

Анжуман доирасида Ўзбекистон делегацияси Бирлашган Араб Амирликларининг Дин ишлари ва Вақф бош бошқармаси раҳбари, доктор Умар Хабтур ал-Дирий, БААнинг Фатво кенгаши раҳбари ва Абу Дабӣ тинчлик форуми раиси Шайх Абдуллоҳ ибн Байя, Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхул-ислом Оллохшукур Пошнотзода, Индонезия дин ишлари бўйича собиқ вазири, профессор, доктор Муҳаммад Курайш Шайхоб ва ливанлик уламо шайх Саййид Али ал-Амин каби бир гуруҳ уламолар билан учрашув ўтказди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган мулоқотларда уламолар халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний-маърифий йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш ва илм-фан соҳаларида ўзаро таъжриба алмашишга оид масалаларга ҳам ургу қаратдилар.

Учрашувлар якунида Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик йўналишида қилинган ишлар муносиб эътироф этилди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Яни Ўзбекистон” муҳбири

Халқаро анжуман

ЖАҲОН УЗРА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН
ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ҳаётида кузатиладиган очиклик сиёсати, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, таълим ва маърифатга эътибор, шубҳасиз, юртимизнинг ташқи сиёсати ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хорижий таҳлилчиларнинг фикрича, бугун Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очиклиги ва жадал тараққиёти билан дунёда муҳим ўрин эгаллаётган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Мақсад-вазифалар, муаммоларни ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиш ҳамда дунё мамлакатлари, айниқса, ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг мусулмон давлатлари билан ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланаяпти. Айниқса, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Миср Араб Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қатар билан яқин алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Мустаҳкамланаётган
алоқалар

Таъкидлаш жоиз, мазкур давлатлар раҳбарлари бир неча бор юзма-юз мулоқот қилиб, кенг қамровли ҳамкорликни келишиб олдилар. Самараси олий даражадаги учрашувлар мажраси ўлароқ, диний-маърифий соҳада ҳам ўзаро яқин алоқалар йўлга қўйилди.

Юртимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати диний соҳага ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Натижада Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ислом олами билан алоқалари ривожланиб, кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди, турли давлатларнинг диний идоралари билан меморандумлар имзоланди. Соҳага доир таълиф ва ташаббуслар мусулмон дунёси томонидан қўллаб-қувватланиб, нуфузли тадбир аюжманларга мамлакатимиз меъзолилик қилиб келаётгани ҳам ана шу ислохотлар самараси десак, адашмаймиз.

Дунё уламоларининг
юксак баҳоси

Халқаро анжуман ва илмий конференцияларда уламоларимизнинг чиқишлари юқори баҳоланаётгани, улар нуфузли



халқаро ташкилотлар аъзолари сафидан ўрин олаётгани ва жаҳон узра тан олинаётгани барчамизни мамнун этиши, шубҳасиз.

Шундай қувончли хабарлардан бири яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Муриддин донишмандлари кенгаши аъзолигига қабул қилинганидир. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Маъбуот хизмати атрофлича маълумот берди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Дабӣ шаҳрида бўлиб ўтган Мусулмон донишмандлари кенгаши йиғилишида Кенгаш раиси, Миср Араб Республикаси Бош имоми, ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Тоййиб жаноблари Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларини ушбу нуфузли кенгаш аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги қарорини эълон қилди.

Аҳмад Тоййиб жаноблари ўз сўзида Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда фаолият юритаётган кўплаб уламолар орасидан фақатгина Ўзбекистон

муфтийси аъзо этиб қабул қилинганига алоҳида ургу берди.

Йиғилишда иштирок этган дунёнинг етакчи ва таниқли уламолари ушбу аъзолик тарихий воқеа бўлганини таъкидлаб, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак эътироф этди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида турли дин ва миллат вакиллари аҳил-аноқ яшаётгани, бунинг учун барча шароит мавжудлиги, сўнгги йилларда бу борадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилгани ҳам қайд этилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Мусулмон донишмандлари кенгаши мустақил халқаро ташкилот бўлиб, 2014 йили Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Дабӣ шаҳрида ташкил топган. Миср Араб Республикаси Бош имоми, ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Шайх Аҳмад Тоййиб Кенгашга раислик қилади.

Кенгашга Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Миср Араб Республикаси,

Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозир юртимизда ишсизлик ҳолатини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказишда асосан, аҳоли орасида сўровнома ўтказиш амалиётига таянилади. Табиийки, бу ҳолатда ишсиз шахс айнан қайси маҳаллада яшаётгани, унинг ижтимоий ҳолати бўйича аниқ маълумотга эга бўлишнинг имкони йўқ. Бу эса ишсизликни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Инсон қадри учун

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ СЕЗИЛАРЛИ ПАСАЙДИ

1 миллион аҳоли даромади белгиланган чегарадан ошди



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Мирзақалъа қишлоғи аҳолиси яқин-яқингача асосан, деҳқончилик, чорвачилик билан тирчилик қиларди. Туман марказидан қарийб 20 километр олисда жойлашган бу қишлоқда фақат муаллим ёки шифокоргина ўз соҳаси бўйича иш топа олар, бошқа мутахассислар ёки бирор касб-хунари бўлмаган ёшлар вилоят марказига, пойтахтга, яна бир тоифа ёшлар чет давлатларга иш излаб чиқиб кетарди.

Мирзақалъа қандай қилиб ишсизликдан холи ҳудудга айланди?

Бугун вазият ўзгарди — қишлоқда тадбиркорлик муҳити шакллана бошлади. Ҳозир бу ерда гилам тўқишга ихтисослашган оилавий корхона, қўлоқчин ишлаб чиқарадиган цех, шаҳарлардаги каби машина ювадиган шоҳобча, замонавий қиёфадаги савдо ва хизмат кўрсатиш тузилмалари ташкил этилди. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Яратилаётган янги иш ўринларида тақлиф этилаётган ойлик ҳам бир пайтлардаги сингари арзимас даражада кам эмас, 2-3 миллион сўм атрофида. Ҳозир боис, қишлоқ аҳоли олисга иш излаб кетишдан кўра, ўз қишлоғида яратилаётган имкониятдан унумли фойдаланишга интилмақда.

Ширмоной Бобоева ҳам ана шундай имкониятлар туфайли меҳнат миграциясидан қайтиб келиб, уйда гилам тўқиш цехи очди. Ҳозир ўзи ва икки қизи оламга донги кетган Бухоро ипак гиламларини тўқияпти.

Бухоро гиламлари қадимийлиги, гузаллиги, чидамлилиги билан дунё бўлаб дувруқ қозongan. Жун ва ипақдан қўл меҳнати, кўз нури билан тўқиладиган гиламлар бозорда анча харидоригир. Айниқса, хорижлик сайёҳлар миллийлигимиз ва тарихимизнинг кўзгуси бўлган бу маҳсулотларга катта қизиқиш билдиради. Тадбиркор келгусида фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ ёшларига ҳам ўргатиш ниятида. Бу борада унга маҳалла фаоллари, айниқса, ҳоким ёрдамчиси яқиндан кўмак берапти.

— Икки йил олдин маҳаллада иш бошлаганимда уч юзга яқин ишсиз аҳоли рўйхатга олинди, — дейди “Мирзақалъа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Азамат Рўзиев. — Аҳолининг солиқ тўловларидан ҳам қарздорлиги каттагина бўлган. Бунга асосий сабаб — ишсизлик, одамларда тадбиркорлик кўнимаси етишмаслиги эди. Ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолиятимнинг илк кунлариданоқ бу муаммони бартараф этиш йўллари изладим. Аҳоли орасида камбағаллиқни қисқартиришнинг асосий стратегияси сифатида эса, аввало, тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга киришдик.

Ҳоким ёрдамчиси бу йўналишда ҳам асосан, қишлоқ аҳолисининг қизиқиш ва талабларидан келиб чиқиб иш тутди. Масалан, бир хонадон фарзанди Тошкент шаҳрида катта тадбиркор, цехида иш ўрни ҳам кўп. Аммо Қорақўлдан Тошкентга қатнаб ишлаш осон эмас. Ҳоким ёрдамчиси бунинг йўлини топди — ушбу тадбиркор кўмагига таяниб, унинг ота-онаси хонадонида кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил этди ва йигирмага яқин хотин-қиз ишли бўлди. Ҳозир бу цех учун ярим тайёр маҳсулот Тошкентдан келтириляпти. Тайёрланган маҳсулот ҳам пойтахтга жўнатиляпти. Эндиликда шу маҳсулотни яқин атрофдаги бозорларга етказиб бериш чораси изланыпти. Бу бир томондан таннархни арзонлаштириш, иккинчи томондан эса, ишлаб

чиқаришни кенгайтиришга замин яратиши мумкин.

Ана шундай ўзига хос тадбиркорлик лойиҳалари, ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирлари туфайли Мирзақалъа маҳалласи бугунги кунга келиб, ишсизликдан холи ҳудуд мақомига эришди. Очиги, яқин-яқингача ишсизлик даражаси юқори, аҳоли турмуш шароити оғир бўлган ҳудуд учун бу катта натижа. Аммо ривожланиш суръати шиддат билан кечаяётган бугунги даврда бундай натижа билан қияфланиб бўлмайди. Қолаверса, меҳнат бозорига ҳар йили янги-янги ёшлар кириб келяпти, уларни юқори даромадли иш билан таъминлаш, ёш оилаларнинг фаровонлигини ошириш масаласи долзарб бўлиб қолаверади.

Буни яқини англаган маҳалла фаоллари, жумладан, ҳоким ёрдамчиси бу йил ҳам шу йўналишда бир қатор янги лойиҳаларни режалаштирган. Қувонарлиси, эндиликда қишлоқдаги кичик тадбиркорлик лойиҳаларидан каттароқларига ўтиляпти. Масалан, эшик ва ромлар ишлаб чиқарадиган цех очиш, замонавий мебеллар ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, қишлоқ аҳолиси тўй ва бошқа маросимларини ўтказиши учун муҳташам ресторан қуриш.

Албатта, бу ишлар осон эмас. Бунинг учун аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, ишлаб чиқаришга маҳсулотнинг бозорини топиш талаб этилади. Иккита олийгоҳни битирган, нефть-газ ва иқтисод соҳаларида тажриба орттирган ёш, сергайрат ҳоким ёрдамчиси бундай мақсадлар рўёбга чиқмагунча тиниб-тинчимайдиганлар тоифасидан. Қолаверса, ҳали қишлоқ аҳолисидан ўттизга яқини ҳозир ҳам хорижда меҳнат миграциясида юрибди. Улар юртга қайтганда муносиб маошли иш тақлиф қилиш керак. Демак, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, кичик корхоналарни йирик ишлаб чиқариш тармоқларига айлантириш учун давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш лозим.

Аҳоли ўртасида томорқадан фойдаланиш маданиятини ошириш ҳам муҳим. Чунки ҳозир қишлоқ аҳолиси томорқасида, ишсизларни банд қилиш мақсадида ажратилаётган ерда аксарият ҳолатларда чорвага озуқа етиштириш билан чекланади. Ҳолбуки, туманининг кўпгина маҳаллаларида томорқада қулулпнай, помидор, бодринг, қўнат сингари кичик майдонда кўп даромад келтирувчи экан



етиштириб, яхшигина даромад олиш бўйича тажриба орттирилган. Ҳоким ёрдамчиси шу кунларда аҳоли ўртасида ана шундай янгилик ва тажрибаларни тарғиб қилиш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар ташкил қилиш ҳаракатида.

Умуман олганда, мазкур маҳаллада жорий йил якунига қадар 12 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш, кам таъминланган 45 та оилага қўшимча даромад топиш манбаини яратиб бериш, тўрт юзга яқин кишининг бандлигини таъминлаш каби мақсадлар кўзланыпти. Албатта, бу юртимизнинг биргина маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, оилалар даромадини ошириш орқали камбағаллиқни қисқартиришга



қаратилган саъй-ҳаракатларнинг кичик бир режаси.

Бу йўналишда мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган ишларнинг самараси эса катта-катта рақамлар ва кўрсаткичларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси

Маҳалла еттилиги ҳамжиҳатлиги самараси

Айтиш жоизки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Шу боис, дунё мамлакатлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича турли хил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Жаҳон банки маълумотига кўра, дунё миқёсида аҳолининг камбағаллик даражасини камайтириш бўйича кўрилатган бундай чора-тадбирлар туфайли 2020 йилга келиб мазкур кўрсаткич 8 фоизгача пасайди. Муаммо билан курашиш бугунги кунда ҳам долзарб вазифадир. Зеро, аҳолининг камбағал қатлами мамлакатга хос бўлган тезкор иқтисодий ўсишдан фойда кўриш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти чеклангани туфайли ривожланишга ҳам ҳисса қўша олмайди.

Бу эса жамиятда ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлилик тамоиллари бузилиши, одамларнинг давлатдан норозилиги кучайишига олиб келади ва барқарор ривожланишга соя солади. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти бу муаммонинг олдини олишга доимий эътибор қаратмоқда. Жумладан, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари сифатида 2030 йилда дунё миқёсида камбағаллик даражасини 6 фоизгача туширишни муҳим мақсадли кўрсаткич этиб белгиланган.

Мамлакатимизда илк бор камбағаллик масаласи 2020 йил 24 январда Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида кўтарилиб, камбағаллиқни қисқартириш давлатнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани ва давлат камбағаллиқни қисқартириш чораларини кўриши белгиланди. Қисқа даврда камбағаллик ва уни қисқартиришга оид норматив-ҳуқуқий база яратилди. Камбағаллик атамасига расмий таъриф ва камбағаллик деган саволга, камбағаллиқни қисқартиришга амалга оширишда аҳолининг манзилли гуруҳига аниқлик қилиш мақсадида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилиб, камбағаллик мезони амалиётга жорий этилди.

— Миллий қонуқчиликка кўра, аҳоли иқтисодий имкониятларининг ҳаёт кечирishi учун зарур минимал эҳтиёжларини қондиришига етарли даражада бўлмаслиги камбағаллик, деб белгиланди, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бўлим бошлиғи Музаффар Абдуҳақимов. — Мазкур расмий услубиёт асосида олиб борилган кузатувлар ҳамда қисқиб-қитоблар натижасига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2022 йил бошидаги 17 фоиздан 2,9 фоизга қисқариб, 2023 йил бошида 14,1 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2023 йилда 11 фоизга пасайди. Шу билан бирга, камбағаллик даражасини 2026 йил якунига қадар 2022 йилга нисбатан икки баробар, шунингдек, 2030 йилгача кескин қисқартириш стратегик мақсад сифатида белгиланган.

Бундай салмоқли натижаларга фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат билан эришилиши барчамизга маълум. Ўз навбатида, минимал истеъмол харажатлари қиймати 2021 йилда 440 минг сўм, 2022 йил учун 498 минг сўм,

2023 йилда 568 минг сўм ҳамда 2024 йилда 621 минг сўмни ташкил этиш ҳисобига энг кам пенсиялар миқдори мос равишда ошириб берилди. Шу билан бирга, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парварishi билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Умуман олганда, камбағаллик даражаси мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган амалга оширилаётган ишлорларнинг аниқ йўналишлари белгиланган бўлиб, ушбу мақсадларга ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларидан кенг ўрин оляпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Жумладан, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқилган индивидуал дастурлар доирасида камбағаллик даражасини 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бунда камбағал оилалар аъзоларининг 180 минг нафарини доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш, 320 минг нафарига имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш, 100 минг нафарини касб-хунари тадбиркорлик кўнимчаларига ўқитиш, 1,5 минг нафарига олий таълим ўқув-контракт тўловларини қоплаб бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, бандлик органларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва натижадорлигини ошириш орқали 423 минг аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш, “Yanglish.mehnat.uz” ахборот тизимини тақомиллаштириш орқали аҳоли бандлиги дастури ижроси билан боғлиқ жараёнларни онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиб ҳам режалаштирилган.

Вазирликлар, идоралар ва илмий-тадқиқот институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда Самарқанд тумани мисолида ишсиз аҳолининг манзилли рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозир юртимизда ишсизлик ҳолатини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказишда асосан, аҳоли орасида сўровнома ўтказиш амалиётига таянилади. Табиийки, бу ҳолатда ишсиз шахс айнан қайси маҳаллада яшаётгани, унинг ижтимоий ҳолати бўйича аниқ маълумотга эга бўлишнинг имкони йўқ. Бу эса ишсизликни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Ишсиз аҳолини аниқлашнинг янгилик механизми ишлаб чиқилиши бу муаммога ечим бўлади ва ишсизликни бартараф этишда яхши самара бериши кутилмоқда.

Фуқароларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўнимка ва малакасини ривожлантириш бораида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий йилда иш билан банд бўлмаган камда 200 минг нафар, шу жумладан, 110 минг нафар ишсиз хотин-қиз ҳамда 90 минг нафар ишсиз ёшларни касб-хунари, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўнимчаларига ўқитиш режалаштирилган. Камбағаллиги ўқитиш марказлари ўқитувчиларининг халқаро стандартлар асосида малакасини ошириш, касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор ва “уста-шогирд” мактаблари улушини 20 фоизга етказиш чораларини кўриш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси, аввало, оилалар тўқинлик ва фаровонликда ҳаёт кечирishi, халқимиз ўзига тўқ, турмуши обод бўлишини кўзлаб амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

амалга оширилиши натижасида 206 мингта янги иш ўрни яратилди. 181 минг ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилди ва 183,8 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Хориж тажрибаси ҳам ўрганиляпти

Аҳоли фаровонлигини ошириш, халқимизнинг соғлом ва узок умр кечирishiни таъминлаш борасида юртимизда эришилаётган ютуқ ва натижаларни янада юксалтиришда бу йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш ҳам муҳим. Шу мақсадда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жумладан, камбағаллиқни қисқартириш борасида Хитой, Туркия, Япония каби давлатлар ва Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, UNICEF ҳамда GIZ каби халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Хитой камбағаллиқни қисқартиришда катта тажрибага эга. Ушбу мамлакатда сўнгги қирқ йил мобайнида кўрилган чоралар натижасида 800 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик тугатилгани эълон қилинди. Албатта, бу натижа ривожланишини кўзлаган ҳар қандай мамлакатни қизиқтирмай қолмайди. Жумладан, мамлакатимиздаги ишлорлар жараёнида Хитой тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда Хитойдаги камбағаллиқни қисқартириш халқаро маркази томонидан юртимиз мутахассислари учун амалий семинар ташкил этилди. Ҳоким ёрдамчилари учун онлайн семинар ҳам ўтказилди. Бу жаҳодаги ишларни келгусида ҳам давом эттириш мақсадида 5 йиллик ҳамкорлик дастури келишиб олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизда бу йўналишда яқин истиқболда амалга оширилаётган ишлорларнинг аниқ йўналишлари белгиланган бўлиб, ушбу мақсадларга ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларидан кенг ўрин оляпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Жумладан, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқилган индивидуал дастурлар доирасида камбағаллик даражасини 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бунда камбағал оилалар аъзоларининг 180 минг нафарини доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш, 320 минг нафарига имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш, 100 минг нафарини касб-хунари тадбиркорлик кўнимчаларига ўқитиш, 1,5 минг нафарига олий таълим ўқув-контракт тўловларини қоплаб бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, бандлик органларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва натижадорлигини ошириш орқали 423 минг аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш, “Yanglish.mehnat.uz” ахборот тизимини тақомиллаштириш орқали аҳоли бандлиги дастури ижроси билан боғлиқ жараёнларни онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиб ҳам режалаштирилган.

Вазирликлар, идоралар ва илмий-тадқиқот институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда Самарқанд тумани мисолида ишсиз аҳолининг манзилли рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозир юртимизда ишсизлик ҳолатини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказишда асосан, аҳоли орасида сўровнома ўтказиш амалиётига таянилади. Табиийки, бу ҳолатда ишсиз шахс айнан қайси маҳаллада яшаётгани, унинг ижтимоий ҳолати бўйича аниқ маълумотга эга бўлишнинг имкони йўқ. Бу эса ишсизликни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Ишсиз аҳолини аниқлашнинг янгилик механизми ишлаб чиқилиши бу муаммога ечим бўлади ва ишсизликни бартараф этишда яхши самара бериши кутилмоқда.

Фуқароларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўнимка ва малакасини ривожлантириш бораида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий йилда иш билан банд бўлмаган камда 200 минг нафар, шу жумладан, 110 минг нафар ишсиз хотин-қиз ҳамда 90 минг нафар ишсиз ёшларни касб-хунари, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўнимчаларига ўқитиш режалаштирилган. Камбағаллиги ўқитиш марказлари ўқитувчиларининг халқаро стандартлар асосида малакасини ошириш, касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор ва “уста-шогирд” мактаблари улушини 20 фоизга етказиш чораларини кўриш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси, аввало, оилалар тўқинлик ва фаровонликда ҳаёт кечирishi, халқимиз ўзига тўқ, турмуши обод бўлишини кўзлаб амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.



Муқобил энергетика

ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАР, ЕТУК МУТАХАССИСЛАР

соҳада бугун ана шу жиҳатларга катта эътибор қаратилиши лозим



Иброҳимжон ФОЗИЛЖОНОВ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Марказий Осиёда, айниқса, вазият мураккаброк, Сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёлар ҳаваси ва биологик хилма-хиллиkning қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда “яшил” тараққиёт борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракати янада фол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмапти. Бинобарин, бундан бошқа чорамиз ҳам йўқ.

Экспертлар вазиятни ўнгаш учун жаҳон иқтисодиётида “яшил” тараққиёт тамойилларини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

2019 йилда Ўзбекистон “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қабул қилди. Яқин ўн йилда мамлакатимизда утлерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кент фойдаланиш кўзда тутилган.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. Шу боис, соҳадаги ислохотларни бошлаб берган ушбу стратегиянинг ўз вақтида қабул қилингани жуда тўғри қарор, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, пандемиядан олдинги макроеқтисодий кўрсаткичларни тиклаш ҳамда келгуси йилларда янада юқори ўсиш суръатларига эришиш мақсад қилинган. Ўз навбатида, мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда турган гапки, энергетика ресурсларига талаб ҳам ортади.

Мазкур иқтисодиётнинг муҳим компоненти қайта тикланган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори. Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобиغا қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжimizдан уч қарра кўп. Боз устига, “яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдага кўпайтириш имконини беради. Бу иқтисодиёт учун мислсиз фойдадир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон углеводород энергияси — нефть, газ ва кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизация қилиш катта маблағ талаб этади.



Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Аҳоли кўпайишда давом этипти, табиий ресурслар захираси эса муттасил равишда қисқармоқда. Бундай диспропорция дунё мамлакатларини тағф ахволга солиб қўяётгани ҳам бор гап. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашувини кузатяпмиз. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда.

Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали ҳисобланган муқобил энергетикага ўтиш минг чандон афзал. Ахир бутун дунё шу йўлни танлапти. Эътиборлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” юртимизнинг “яшил” тараққиёт сари юз бурганини англатади.

Албатта, “яшил” иқтисодиёт фақат энергетика соҳасини ислох қилишдан иборат эмас. Унинг ичига тоза ичимлик сув муаммоси, озик-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ҳўжа-лигидаги инновациялар, барқарор шаҳарлар, чиқиндиларни оқилона бошқариш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш, чўللанишни қисқартириш каби кўп қиррали ва кенг тармоқли чора-тадбирлар ҳам киради. Яна бир муҳим масала. “Яшил” иқтисодиётдан давлат ёки бизнес эмас, балки, энг аввало, оддий одамлар фойда кўради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг турли тармоқларида “яшил” технологияларни жорий этиш аҳолининг яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада шаҳарлардаги ҳаёт қулайлашади, болалар ўлими қисқаради, ўртача умр кўриш давомийлиги узаяди ва ҳоказо. Лотин Америкаси ва Африканинг айрим минтақаларида эса, ҳатто ташқи миграция оқимлари қисқариб, инсон капиталининг ривожланиши кузатилади.

Унутмаслик керакки, Ўзбекистон БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда Иқлим бўйича Париж битимига ҳам қўшилган. Париж битими доирасида биз 2030 йилга

асбоб-ускуналар харид қилиш учун имтиёзли ёки фойсиз кредитлар, субсидия ҳамда грантлар, солиқ имтиёзлари тақдим этилади. Ўз навбатида, бунга банк-молия тизими ҳам хайрихоҳлик кўрсатиши, банклар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ бизнес-лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиши жуда муҳим.

Юқорида келтирилган молиявий кўмак инструментлари, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига татбиқ этилса мақсадга мувофиқ. Сабаби, улар бозор конъюктурасидаги ҳар қандай ўзгаришга нисҳоятда сезгир бўлиб, янги рақобат муҳитига мослаша олмаслиги мумкин. Йирик корхоналарда эса “ҳимоя ётиқчаси” мавжуд. Шу боис, баъзи компаниялар “яшил” иқтисодиётга ўтишда қийналмайди. Жуда бўлмаса, маҳсулот ёки хизматлар турини диверсификация қилиш ҳисобига эҳтимолий рискларни минималлаштириши мумкин.

“Яшил” иқтисодиётга ўтишда асосий роль ўйнайдиган иқтисодиёт тармоқларини белгилаб олиш ҳам долзарб масала. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестиция қилишти айти мудоа. Бундан ташқари, машинасозлик, автомобилсозлик саноатидан ҳам катта самара кутса бўлади. Бир сўз билан айтганда, давлат қайси соҳани, қачон ва қандай қилиб “яшил” иқтисодиётга ўтказишни ҳозирдан ҳал қилиб олиши зарур.

Яқин истиқболда “яшил” тараққиётнинг интеллектуал кучи ҳисобланган малакали кадрлар етишмовчилиги муаммосига ҳам тўқнаш келишимиз мумкин. Ўзбекистон олдида шундай мутахассисларни тайёрлаш вазифаси қўндаланг турибди. Бу ишга ҳозирдан киришмасак, келгусида хорижий



бориб, ҳавога зарарли газлар чиқаришни 10 фоизга камайтириш мажбуриятини зим-мамизга олдик. Ҳар иккала ҳужжат миллий ҳукуматлар зиммасига “яшил” тараққиёт талабларини бажариш мажбуриятини юклайди. Демак, эртани-кечи “яшил” иқтисодиётга барибди ўтишимиз керак.

Бундай иқтисодиётга ўтишда турли ин-тенсивликдаги ички ва ташқи муаммолар юзага келиши мумкин. Уларга тайёр туриш ва ўз вақтида бартараф этиш учун ҳам страте-гия қабул қилинди. Бу босқичга ўтишдан аввал миллий қонунчилигини аўдитдан ўтказиб, жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда ято-на тизимга келтириш зарур. Баъзи давлатлар ишни амалиётдан бошлаб, кейин қонунчилик базаси билан шуғуллангани боис, қўшим-ча муаммоларга дуч келган. Бундай ҳатоллик ўтиш жараёнини секинлаштиради.

“Яшил” тараққиётнинг драйвери бўла оладиган энергетика, илм-фан ва инновация-лар, туризм каби соҳаларга доир қонунлари-мизда номувофиқликлар, бир-бирини инкор этувчи жиҳатлар талайгина. Ҳужжатлар-нинг сони ҳам жуда кўп. Айтайлик, электр энергиясини истеъмолчига етказиб бериш, нарх-навоини белгилаш ва тўловни амалга ошириш механизмлари амалдаги анъанавий тизимга мослаб яратилган. Муқобил энергия манбалари билан ишлаш имконини беради-ган ҳуқуқий нормалар эса мавжуд эмас. Ма-салан, қуёш ёки бошқа турдаги қайта тикла-надиган энергияни ким ва қанча миқдорда ишлаб чиқаради, у аҳолига қай тартибда, қандай тариф бўйича етказиб берилади? Бу каби саволларга ойдинлик киритиб, қонун ҳужжатларида акс эттириш ва шу аснода янги бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар-ни мувофиқлаштириб бориш зарур. Иккинчи муҳим масала, “яшил” иқтисодиётга ўтишда давлат қайси молиявий инструментлардан фойдаланмоқчи эканини аниқлаб олишдан иборат. Чунки дастлабки босқичда иқтисоди-ёт тармоқларига мўймай инвестиция қилини-ша тўғри келади.

Одатда корхона-ташкilotлар ва аҳоли-нинг турли қатламларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида утлерод сарфини камайтириш, “яшил” технологияларни қўллаш ва тегишли

давлатларга қараганда яна катта харажатга тушаверамиз.

Бунга тезроқ ва нисбатан оғриқсиз ўтиш учун илм-фан ва инновацияларни жадал ривожлантириш зарур. Чунки бу турдаги иқти-содиёт, аввало, илм-фан ютуқлари ҳамда самарали инновацион ечимларга таянади. Биргина мисол, охириги ўн йилда дунё миқё-сида қуёш энергиясидан фойдаланиш хара-жатлари 80 фоизга қисқарди. Мазкур тенде-ция давом этмоқда. Негизга? Чунки олимлар, муҳандис ва технологлар мавжуд ускуналар-ни тақомиллаштириш, янгиларини яратиш, таннаҳхини тушириш бўйича тинмай изла-няпти. Бундай тадқиқотларни биз ҳам кучай-тирмоғимиз шарт. Токи инновацион маҳсу-лотларни ҳадеб хориждан экспорт қилмай, ўзимизда ишлаб чиқарайлик.

Экологик мувозанатни таъминлаш, та-биий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалалар Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун долзарб. Табиатда сиё-сий чегаралар бўлмайди. Айтайлик, “яшил” энергетика тизими ёки атропо-муҳитга зиён етказмайдиган ишлаб чиқариш қувватлари-ни яратишдан нафакат Ўзбекистон, балки қўшилар ҳам ютади. Шу нуқтаи назардан, умумманфаатли стратегик режаларга таяниб, биргаликда ҳаракат қилганимиз маъқул. Бир-роқ “яшил” иқтисодиётга ўтиш-ўтмаслик ҳар қайси давлатнинг мустақил иши. Ўзбекистон ўз қарорини қабул қилиб бўлди. Энди соҳа ривожини учун ҳуқуқий ҳамда институционал пойдевор ҳозирлаб, локал лойиҳаларни амал-га оширишга киришимизмоқда. Бунга ўн, балки йигирма-ўттиз йил талаб қилинар. Бу борада “яшил” иқтисодиётнинг муваффақиятли жорий эта олган Скандинавия мамлакатлари тажри-басини ўргансак арзийди.

“Яшил” ривожланиш Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошира ола-ди. Бугун бу ҳаракат бутун дунёда трендга айлангани, йирик компаниялар, трансми-ллий корпорациялар ўз фаолиятида “яшил” ривожланиш тамойилларини татбиқ эта-ётгани, улар корпоратив имижини сақлаб қилиш учун атайин Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини намоён этаётгани сабабли “яшил ўсиш” йўлини танлаган мам-лакатлар халқаро ташкilotлар ҳамда бизнес



доираларнинг эътиборини тортмоқда. Ташқи кредитор ва инвесторлар ушбу давлатларга сармоя қиритишни маъқул кўрапти.

Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтаётгани дунё ҳамжамияти учун муҳим сигналдир. “Яшил” тараққиёт борасидаги мақсадларимиз рўёбига қаратилган муҳим сармоявий лойиҳаларни йирик донор ташки-лотлар, хусусан, илгор ва етакчи компаниялар молиялаштириш истигини билдирмоқда.

“Яшил” иқтисодиётга ўтишда “яшил” ис-теъмол маданиятини кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хислатларни эса инсонга ёшлигиданоқ сингдириб бориш керак. Демак, экологик маданият, таълим-тарбия борасида Ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам кенг муҳо-камалар мавзуси бўлмоғи лозим. “Яшил” иқтисодиётни барпо этишга ёшларни кўпроқ жалб этиш бўйича махсус дастур амалга оши-рилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Маълумки, Тошкент шаҳрида бўлиб ўт-ган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақа-вий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда Пре-зидентимиз минтақадаги таҳдидлар ва им-кониятлар, барқарор ривожланиш бўйича 10 та асосий ташаббусни илгари сурган эди. Ушбу ташаббуслар ичиди иқлим ўзгаришига мослашиш, минтақада “яшил” иқтисодиёт-ни ривожлантириш, келгусида Орол денгизи қуриши каби муаммоларга йўл қўймаслик ҳамда Ўзаро ва БМТ билан ҳамкорликда ҳу-дудда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш-га доир масалалар алоҳида кўрсатиб ўтилган-ди.

Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йиллар-га мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вази-фаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Рес-публикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар са-марадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ре-сурсларни тежашни янада кенгайтиришда Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ис-лохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин.

Бинобарин, қарор билан иссиқхона газ-ларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ва улар улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадор-лигини камида 20 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кен-гайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда бел-гиланган иқтисодиётнинг барча тармоқла-ридан сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада кўпайтириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи сугориш технологиясини жорий этиш, йилгига 200 миллион қўлчак экиш ва қўчқарларнинг уму-мий сонини 1 миллиондан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроқча кенгайтириш, республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан зиёдроққа етказиш, ҳосил бўли-дан қантқик маиший чиқиндиларини қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш мақ-садлари ҳам долзарб аҳамиятга эга.

“Яшил” технологияларни кенг жорий этиш иқтисодиёга Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини камайтиришга эришиш мумкин. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон шериклари, жумладан, БМТ қошида тузил-ган махсус Траст фонди ҳамда Р4Г шериклик платформаси доирасида фолл ҳамкорлигини йўлга қўймоқчи. Ўзбекистоннинг ташаббуси асосида Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилиниши бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. “Яшил” энергетикани ривожлантириш орқали утлерод ёқилгисига боғлиқликдан қўтилишга интиляямиз. Юр-тимизда қуёш ва шамол электр станциялари-ни қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Булар орқали яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манба-лари улушини уч баробар кўпайтириш мақ-сад қилинган.

Бир сўз билан айтганда, анъанавийдан “яшил” иқтисодиётга ўтиш мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. У экологияни асраш, озик-овқат хавфсизлигини таъмин-лаш, давлатнинг молиявий ва иқтисодий мус-тақиллигини мустаҳкамлашнинг ишончли гаровидир.

Долзарб мавзу



ИККИ МИНГТА “ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ” СЕРТИФИКАТИ СОТИЛДИ

Ўзбекистон республика товар-хонашёр биржасида ўтган ҳафтада илк бор “яшил энергия” сертификатлари сотилди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ биржа савдоларида уларнинг сотувчиси сифатида иштирок этди. Хусусан, сотувчи томонидан биржада сертификатлар учун стандарт шартнома очилган.

— Бир дон “яшил энергия” сертификати қайта тикланувчи қувватлар манбалари-дан фойдаланган ҳолда 1000 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилганини тасдиқлайди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати раҳбари Равшан Бойқулов. — Ўтказилган биржа савдола-ри натижаларига кўра, юртимизда фаоли-ят юритаётган “ЎЗБАТ” қўшма корхонаси биржа савдолари орқали жамиятимизнинг 2000 дон “яшил энергия” сертификатни харид қилди. Уларнинг умумий миқдори 26,7 миллион сўмини, биржада шакланган дастлабки котировка бир дон сертификат учун 13 минг 360 сўмини ташкил қилди.

Сертификатлар бўйича ўтказилаётган биржа савдоларида харидор сифатида яқка тартибдаги тадбиркорлар, маҳаллий кор-хоналар ёки хорижий компаниялар эркин иштирок этиши мумкин. Унинг биржа сав-долари орқали сотилиши қайта тикланув-чи энергия лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча молиялаштириш манбалари-ни шакллантириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини Европа ва бошқа ривожланган давлатлар бозорларига экспорт қилиш бўйича имтиёз-лардан фойдаланиш имконини беради.

Президентимизнинг 2023 йил 12 майдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда “яшил энергия” сертификатлари тизими жорий

“Яшил энергия” сертификати қуёш, шамол, гидроэнергетика ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан муайян миқдорда энергия ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи электрон ҳужжат ҳисобланади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур тизимни тартибга солувчи масъул орган (эмитент) сифатида Халқаро қайта тикланувчи энергия манбаларини сертификатлаш ташкилоти (И-РЕС) аккредитациясидан ўтган.

этилди ва Ўзбекистон республика товар-хонашёр биржасидаги савдоларда алоҳида “яшил” энергетика секцияси очилган. Ҳисоб-китобларга кўра, “Ўзбекгидро-энерго” АЖ тасарруфида 53 та ГЭС мав-жуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 2225 МВтга тенг. ГЭСларда ишлаб чиқарила-диган электр энергияси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жамият томонидан йилгига 7 миллион дон “яшил энергия” сертифика-ти биржага савдога чиқарилиши имконияти мавжуд. Бир дон сертификат қайта тикла-нувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда 1000 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилганини тасдиқлайди.

“Яшил энергия” сертификати қуёш, шамол, гидроэнергетика ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан муай-ян миқдорда энергия ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи электрон ҳужжат ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур тизимни тартибга солувчи масъул орган (эмитент) сифатида Халқаро қайта тикла-нувчи энергия манбаларини сертификатла-лаш ташкилоти (И-РЕС) аккредитацияси-дан ўтган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 сентябрдаги “Яшил энергия” сертификат-лари жорий этилишини кенгайтириш ва “Яшил молиялаштириш” механизмларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги қарори билан сертификатларни бериш ва муомалага қиритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланган. “Яшил энергия” сертификатлари биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳамда биржа савдолари қондаларига му-вофиқ, товар-хонашёр биржасининг “яшил” энергетика секциясида сотилади.

Сертификатларни муомалага чиқа-риш ҳисобидан Иқтисодиёт ва молия

вазирлигига тушадиган маблағлар вазирлик ҳузуридаги Яшил иқтисодиёт лойиҳалари маркази лойиҳа офисининг алоҳида махсус ҳисоббаракларида жамланади. Сертификат-ларни ҳисобга олиш, савдосини ташкил қи-лиш ҳамда назорат қилиш ишлари эмитент номидан мазкур марказ томонидан амалга оширилади. Муайян давр давомида қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган ва электр тармоғига узати-лган тегишли миқдордаги электр энергияси учун сертификатлар фақат бир марта бери-лади. Сертификатнинг амал қилиш муддати чегараланмайди.

Айни пайтда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳаж-мидаги улуши қарийб 10 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари қувватини 27 гигаваттга етказиб, электр энергияси ишлаб чиқаришдаги умумий ҳажмини ка-мида 40 фоизга олиб чиқиб, 10 минг кило-метр магистраль ва 110 минг километр ҳудудий электр тармоқлари барпо этиш мақсад қилинган. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни тежаш, атмосферага зарарли ташланмаларни 34 миллион тонна-га қисқартириш имконини беради.

Албатта, бунга эришиш учун амалда-ги қонунлардаги айрим меъёрларни қайта

қўриб чиқиш зарур. Олий Мажлис Сена-тининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривож-лантирилиши муносабати билан Ўзе-бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар қиритиш тўғрисида”ги қонун шу мақсадга хизмат қилади.

Қонун билан “Қайта тикланувчи энер-гия манбаларидан фойдаланиш тўғриси-да”ги Қонунга “яшил энергия” сертифи-катларини бериш ва муомалага чиқариш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни давлат томонидан қўла-лаб-қувватлашга тааллуқли қўшимча ва ўз-гартришлар қиритилмоқда.

Қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ягона электр энергетика тизимига улаш фақат ушбу манбалар махсус ваколатли давлат органида рўйхат-дан ўтказилганидан кейин амалга ошири-лиши назарда тутилган.

Қонунда Солиқ кодексига қайта тикла-нувчи энергия манбаларидан фойдаланиш-га асосланган генерация объектларининг “яшил энергия” сертификатлари савдоси-дан тушган даромадларини фойда солиғи-дан озод қилишга доир ўзгартиш ҳам мав-жуд.

Сенаторларнинг таъкидлашчи, қонун энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларидаги электр қуввати тақчиллигини бартараф этишга ҳамда ин-весторлар учун қулай шароитлар яратишга хизмат қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи

Таҳлил

Ўқувчи суммаси

Оғирлиги бола вазнига мутаносибми?



Мактаб ўқувчисини дарсликлар ва бошқа ўқув анжомлари жой олган суммасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда орқага тақиладиган ва юк оғирлигини асосан, боланинг елкаси ва орқа мушаклари ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашга ёрдам берадиган икки боғламли рюкзак, портфеллар кенг урфда. Бу, албатта, қулай ва чиройли. Бироқ катталар кўпинча сумканинг шаклига эътибор қаратади, фарзанди ҳар куни мактабга кўтариб борадиган дарслик ва бошқа анжомлар оғирлигини ҳам ҳисобга олиш кераклигини унутади.

Шу боис, аксарият ҳолларда ўқувчилар катта ҳажмли ва оғир мактаб суммаси кўтариб юргани гувоҳи бўламиз. Айниқса, кўп қаватли мактабларда зинадан кўтарилаётган болаларнинг юз ифодасидан сумка жуда оғирлигини ҳис қилиш, юриш пайтидаги номутаносибликни кузатиш қийин эмас. Мунтазам оғир сумка таққан болалар кўпинча умуртқа поғонаси билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Мутахассислар таъкидлашча, мактаб суммаси ўқувчиларда бел оғригининг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Шунингдек, умуртқа поғонаси ва тиззаларига зарар етказиши, бўйин, елка ва орқа мушаклари эўриқишига олиб келиши мумкин.

Мактаб сумкасининг идеал вазни мавжуд

Мактаб сумкасининг максимал оғирлигини аниқ кўрсатадиган ишончли тадқиқот йўқ. Аммо айрим омиллар бунда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, боланинг вазни, жисмоний тайёргарлиги, юк ташиш вақти ва масофаси, сумка сифати.

Ҳўш, ўқувчи сумкасининг оғирлиги даражаси қайси меъёрлар билан белгиланади? Бола ривожланишининг энг муҳим босқичларидан бири бўлган мактаб даврида оғир сумка унинг соғлиғига қай даражада зарар етказиши мумкин? Сумка танлашда нималарга эътибор бериш керак?

— Умумтаълим мактабларида ўқиш жараёни, дарс жадваллари, танаффус вақтлари, умуман, ўқув юкламаси, ҳатто ўша ўқув дарсликларининг оғирлиги ҳам амалдаги санитария қоида ва меъёрлари асосида тартибга солинади, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудираси Дилфуза Ҳикматова. — Унга кўра, дарслик ва ёзув материалларининг кунлик тўплами вазни 1-2-синф ўқувчилари учун 1,5 килодан ошмаслиги керак. 3-4-синфларда эса 2, 5-6-синфларда 2,5, 7-8-синфларда 3,5 ва 9-синфларда 4 килодан ошмаслиги талаб этилади.

Кўпгина кўрсатмаларга кўра, сумка юки бола вазнининг 10-15 фоизидан, бошқача айтганда, масалан, бола вазни 40 кило бўлса, сумкаси 4-6 килодан ошмаслиги керак.

Ота-оналар нима дейди?

Ота-оналарнинг мактаб сумкалари оғирлиги ҳақидаги эътирозларини кўп эшитамиз.

— Катта фарзандларим 8-9-синфларда, энг кичиги 1-синфда ўқийди. Уларга дафтар ёки ручка танлашга шунчаки ёндашмайман, — дейди тошкентлик Саодат Тўрабоева. — Бир муаммо мени қийнайди: мактаб сумкасининг оғирлиги. Айниқса, бошлангич синф ёшидаги болалар сумкаси чиндан ҳам оғир. Бу борада синф раҳбарига ҳам таклифимни айтдим: фарзандларим ўз партадоши билан битта дарслиқдан фойдалансин, яъни менинг



фарзандим она тили китобини олиб келса, ҳамроҳи математика китобини. Бироқ ўқитувчи рўхсат бермади. У ҳам нима қилсин, ахир тартиб шундай-да.

Китоб ва машқ дафтарлари, жисмоний тарбия фани ўтиладиган куни спорт формаси... Мактаб ошхонасидаги овқатлар

сифатига ишонч йўқлиги учун овқат ва сув ҳам бериб юборамиз. Китоблар сифатли қоғоздан ишлангани билан болаларга оғирлик қилади. Уларнинг сумкасини қўлимга олишга безиллайман, болаларга ачинаман. Ўтган йили фарзандларимга ортопед ташхис қўйди. Содда тушунтирсам, биринчи умуртқаси ичкарига, бошқасиники ташқарига қийшайган. Бир савол ўйлан-тиради: сифатли қоғоздан ишланган китоб (сифатли дарслик эмас!) ўқитамиз деб, эртага майиб-мажруҳ авлодни етиштириб қўймаймизми? Тушунган ёки вақти бор ота-она витаминлар, корсетлар, жисмоний машқлар ёки фарзанди сумкаси ичидаги ашёларни қамайтириш, жуда бўлмаса, сумкани ўзи кўтариб юриш орқали муаммони ҳал қилар... Бошқа болалар-чи? Мен тегишли давлат ташкилотларининг бу муаммога жўяли ечим топа олишидан умидворман.

Бундай эътирозлар бот-бот қўлоққа чалинади. Яна бир жиҳат: шаҳар шароитида ўқувчиларни ота-онаси мактабга олиб бориб



Мактабларда махсус қулфланадиган, ҳар бир бола учун алоҳида мўлжалланган жавонлар ташкил қилиниши фойдадан холи эмас. Бола ҳар куни керак-нокерак нарсаларни кўтариб юрмайди, асосий юкини ана шу жавонда қолдиради. Керак бўлган пайтда фойдаланиши мумкин.

ларни муҳим ёки муҳим эмас, деган тоифага ажратди дегани, дарсга ва уни ўтадиган ўқитувчига ҳам муносабат шундай шаклланди дегани. Бола сумкаси оғирлиги масаласи ўртага ташланганда мана шу жиҳатларни ҳам инобатга олиш керак.

Мутахассислар таъкидлашча, сумкаларнинг ҳар хил қўшимча гилдирак ёки қандайдир темир конструкциялар билан жиҳозланиши, дарсликлардан ташқари анжомлар билан бойитилиши, унинг оғирлиги янада ортишига сабаб бўлади. Баъзан оёқ кийимини алмаштириш учун пойабзал солиб қўйиш ҳолатларини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Ёки ота-оналар катта-катта контейнерларда овқат, сув бериб юборади. Бола қўшимча репетиторга бориши, дарсдан ташқари машғулотларга жалб қилинган бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси учун зарур бўладиган юкламалар сумканинг оғирлигини янада оширади.

Шунинг учун ҳар куни ота-оналарга эътиборли бўлиш, вақти-вақти билан сумка оғирлигини текшириб туриш, ўқув жамламаларини жойлаш жараёнида зарурларинигина солиши талаб этилади. Зарур бўлмаган китоб, дарсликларни олиб қолиши, қўшимча машғулотларга жалб қилинган ўқувчиларнинг сумкасини алоҳида қилиши керак бўла-

ди. Албатта, бу фарзандларимизнинг соғлом вояга етиши, қомати чиройли ўсишида ижобий натижага олиб келади.

Оғир юкнинг бола руҳиятига таъсири

Шахснинг етуқлик давридаги ҳолати унинг болаликда кўрган-кечирганлари, руҳий таъсирланишларига юқори даражада боғлиқ бўлади. Мактаб ёшидаги боланинг ички олами, шахсияти, характери, қарашлари ҳали тўла шаклланмагани боис, юз бераётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса унинг руҳиятида из қолдириши мумкин. Жумладан, бола оғир юк туғайли юзага келадиган номутаносиблик, ноқулай вазиятга тушиб қолиш, саломатлигидаги муаммолар ўзига бўлган ишончини пасайтиради.

— Мактаб таълим тизими ўқувчининг салоҳиятига ишониши керак, — дейди болалар руҳшуноси Муқаддам Янгиева. — Болалар табиий ўрганувчилардир. Улар стрессиз ва қулай ўқув муҳитида бўлганда кўпроқ нарсга ўрганади. Босим остида ўрганиш қизиқишини йўқотади.

Мактабда ўқувчиларнинг ҳар бир босқичда асосий талаб қилинадиган фанларни олиб келишига шароит яратиш керак. Айниқса, бошлангич синфларда дарслик ва бошқа ўқув анжомларига тўла оғир сумкани кўтариб юриш бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Мактаб тизими дарсликлар устуворлик қиладиган маданиятдан ўқувчиларга қаратилган компетенцияга асосланган маданиятга ўтгандан сўнг оғир сумкалар муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Ортопедик муаммолар келиб чиқиши мумкин

Дўкон ва бозор расталарида мактаб сумкаларининг рангси, матоси, услуби турли хиллини учрагасиз. Бугунги кунда болалар учун сумкалар ҳар қандай дидга мос ра-

вишда тайёрланмоқда. Бироқ ташқи қобик ҳар доим алдамчи бўлиб, мактаб сумкасини сотиб олаётганда, у боланинг саломатлигига қанчалик ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига аҳамият қаратиш керак, назаримизда.

— Болаларнинг ўсмирлиги айнан мактаб даврига тўғри келади, — дейди Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази травматолог-ортопеди, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Сухроб Солиев. — Бу давр тананинг скелет қисми, суюк, бўғим ва тоғай, умуртқа поғонаси тизимлари айни ривожланадиган пайт. Албатта, ички омиллардан ташқари ташқи омиллар таъсири туғайли ҳам маълум бир ортопедик муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бунда биринчи синфдан учинчи синфгача бошлангич давр муҳим ҳисобланади. Олимлар бу даврга онд жуда кўп изланишлар олиб борган. Қарийб 30 йил давомида олиб борилган 23 та халқаро тадқиқот натижалари ўрганилганда 1-3-синфларда мактаб ўқувчилари сумкаси оғирлиги тана вазнининг 10 фоизини ташкил қилсагина кейинги 10-15 йилда кузатилиши мумкин бўлган асоратларнинг олди олинади, деган тўхтамга келинган.

Сумкага анжомларни жойлаштириш ҳам аҳамиятга эга. Дастлаб оғирроқ, аста-секин енгилроқ нарсаларни солиш керак бўлади. Ўшанда буюмлар худди пирамидага ўхшаб жойлашади. Иккиламчи қийшайишлар бўлмайди. Мактаб ўқувчилари, айниқса, бошлангич синф ўқувчиларига иккита боғламлик сумка тавсия қилинади. Энсиз тасмали рюкзаклар оғир бўлганда елкага ботади ва оғриқ пайдо қилиши мумкин. Елкага осиладиган тасмалари кенг бўлиши, ҳажми белнинг пастки қисмидан энсиз, кўкрак айланасидан энлроқ бўлмаслиги шарт. Битта тасмали сумкалар иккиламчи ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Шифокорлар таъкидлашча, ўқувчилар доимий равишда оғир юк кўтариб юриши оқибатида нафақат оғирликнинг умуртқа поғонаси ёки бўғимларга таъсири, балки қадам ташланишининг қўлайлиги, бунинг натижасида кўп энергия сарфлагани учун кўпроқ, тезроқ нафас олиши, оқибатда маълум бир масофага бортуғича тез чарчасига олиб келади. Бу ҳам мушак, ҳам психозеомоционал ҳолатда чарчоқлик, бўғимлар оғирлигига сабаб бўлади. Бола ўзи мактабда шундоқ ҳам жуда кўп ҳаракат қилади, оғир юк эса чарчоқни кучайтиради. Шунинг учун тавсияларга амал қилинса, ўз-ўзидан бу асоратларнинг олди олинади. Меъёр ва кўрсатмаларга барча жабҳаларда риоя этилишини назорат қилиш учун янада қаттиқроқ механизм бўлиши керак.

Мактабларда махсус қулфланадиган, ҳар бир бола учун алоҳида мўлжалланган жавонлар ташкил қилиниши фойдадан холи эмас. Бола ҳар куни керак-нокерак нарсаларни кўтариб юрмайди, асосий юкини ана шу жавонда қолдиради. Керак бўлган пайтда фойдаланиши мумкин.

Мана, қадрли газетхон, мактаб сумкасининг оғирлик даражаси, унинг бола ривожланиши, саломатлигига нечоғлиқ таъсири ҳақида фикр юритдик. Бу борада яна қандай тақлиф ва тавсияларингиз бор? Нима қилсак, болалар сумкаси оғирлигини бартафай этиш, фарзандларимиз саломатлигига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш мумкин? Тақлиф ва тавсияларингиз муҳим.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таълим



Мухайё БАЙБАЕВА,
Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика фанлари доктори

Иқтидорли ёш авлод ва юқори малакали кадрларнинг педагогик фаолиятга кенг жалб этилишини таъминлаш учун уларга алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш, педагог ходимнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларнинг мақо-

ПЕДАГОГНИНГ ВАҚТИНИ ЭНДИ БЎЛАР-БЎЛМАС ҲИСОБОТЛАР ЎҒИРЛАМАЙДИ

Кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган педагоглар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳога муносиб. Шу боис, сўнгги йилларда уларнинг жамиятда тугган мавқеини юксалтириш, моддий турмуш шароитини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини ошириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

мини алоҳида қонун билан белгилаш талаб этилаётган эди.

Шу боис, “Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 1 августда қабул қилинган бу ҳужжатни Сенат 2023 йил 29 сентябрда маъқуллаган. 2024 йилнинг 1 февралидан эътиборан кучга кирди.

Қонунда педагог ходимларни ижтимоий, ҳуқуқий ва моддий қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратиш таълим-тарбия жараёнининг сифати ошишида алоҳида аҳамиятга эгаллиги белгилаб берилган.

Педагогика олий таълим муассасаларини битириб, умумий ўрта таълим ташкилотларида илк бор касбий фаолиятини

бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврига мураббийлик қилиш учун тажрибали педагог бириктирилиши, шунингдек, устозга бу иши учун базавий лавозим маошига қўшимча ҳақ тўланиши мумкинлиги ўз аксини топди.

Ўзбекистоннинг меҳнат қонунчилигига асосан, иш берувчи педагогнинг ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Педагогнинг касбий фаолиятига аралашishi, фаолиятини асоссиз равишда текшириш, педагог томонидан таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатиш, шунингдек, унга ўз хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиш қонун нуқтани назарида тақиқланади. Бундан ташқари, педагогни



касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, жумладан, ҳудудларни обodonлаштиришга ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишга йўл қўйилмайди. Педагогдан унинг касбий мажбуриятларига

тааллуқли бўлмаган ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни, жумладан, аҳолининг солиқ, коммунал тўловлар, кредитлар ва бошқа қарздорлиги тўғрисидаги маълумотларни, битирувчиларнинг бандлиги

таъминлангани ҳақидаги ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этишни талаб қилиш мумкин эмас. Педагогни ишга жойлаштирилмаган, таълим билан қамраб олинмаган ва профилактика ҳисобида турган вояга етмаганлар ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ижтимоий мослашувиға кўмаклашиш ишларига жалб этиш, зиммага товар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятларини юклаш, хусусан, иш ҳақидан унинг ёзма розилигисиз товар хизматлари учун маблағ ушлаб қолиш тақиқланади.

Қонун кучга кирди. Шунга мувофиқ, энди педагоглар ўз устида ишлаши, таълим сифати ошишига ҳаракат қилиши, ёш авлоднинг пухта таълим-тарбия олишига хизмат қилиши шарт.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, инсонни камол топтиришда, билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекёйсди.

